



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР  
МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ**

**ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ ХОДИМЛАРИ УЧУН  
“КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ” ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА  
ҚИСҚА МУДДАТЛИ ЎҚУВ КУРСИ ДАСТУРИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

Мазкур ўқув дастури Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси томонидан ишлаб чиқилди.

Давлат тест маркази Илмий-методик кенгашининг 2022 йил 29 апрелдаги 4-сон мажлис баёни билан маъқулланган.

#### **Дастурни ишлаб чиқувчилар:**

- Мирзаев Ф.И. - Тест синовларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бош бошқармаси бошлиғи
- Юсупов К.Б. - Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси раҳбари

#### **Тақризчилар:**

- Мирвалиев З.З. - Тестология ва педагогик ўлчовлар илмий-методик бўлими бошлиғи
- Баратов А.А. - “Илмий-ўқув амалий маркази” раҳбари

## I. КИРИШ

Ўзбекистоннинг янгиланган сиёсати жамиятда адолат ва қонун устуворлигини олий даражага кўтариш, замонавий самарали давлат бошқарувини жорий этиш, давлат хизматида коррупциявий ҳолатларнинг ҳар қандай кўринишларига қатъий муросасизлик маданиятини шакллантиришда юксак ғояларга таянмоқда. Аввало, ушбу ислохотларнинг туб замирида Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” деган тамойилига мувофиқ барча имкониятлар халқимиз манфаатлари йўлида сафарбар этилиши устувор вазифа этиб белгиланмоқда.

Шу ўринда ислохотларнинг чинакам натижадорлигига эришиш мақсадида давлат ва жамиятнинг ҳар бир соҳасида коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини изчил таъминлаб бориш алоҳида аҳамият касб этади.

Бугунги кунда коррупцияга қарши курашиш соҳасида ижобий ютуқларга эришган ривожланган давлатларнинг бу борадаги тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, коррупция кўринишларининг оқибати билан эмас, балки уни келтириб чиқараётган сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга асосий эътибор қаратилган ва бу ўз самарасини берганини амалда кўриб турибмиз.

Халқаро тажрибада бу каби профилактик воситалардан бири коррупцияга қарши мувофиқлик “комплаенс-назорат” тизими деб ном олади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳам ушбу ишлатга қарши курашиш, уни олдини олиш, давлат ва жамиятнинг барча соҳаларида коррупциявий омилларга чек қўйишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар бошлангани сир эмас.

Бу ўринда Президентнинг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сон Фармониغا асосан, 2020-2021 йилларда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан банкларда коррупцияга қарши ички идоравий назорат тизимини босқичма-босқич жорий этиш Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган.

Шунингдек, Президентнинг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-

тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сон Қарорига мувофиқ, 2021 йилнинг 1 октябридан бошлаб, барча давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилди.

Давлат тест марказининг Коррупцияга қарши кураш “Комплаенс назорати” тизимини жорий этиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган йўл харитаси “Илмий-методик кенгашнинг 2021 йил 1 декабрдаги 5-сон мажлис баёни қарори, Давлат тест маркази директорининг 2021 йил 15 декабрдаги 01-918-сон буйруғи билан тасдиқланди.

Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2021 йил 18 октябрдаги 01-07/6859-сон хатига мувофиқ БМТ Техник Дастурининг “Ўзбекистонда самарали, ҳисоб берувчи ва шаффоф бошқарув институтлари орқали коррупцияга қарши курашиш” лойиҳаси билан биргаликда ИСО 37001:2016 коррупцияга қарши стандартлардан келиб чиқиб, ташкилотнинг коррупцияга қарши ички назорат тизимини жорий этувчи ҳужжатлар Давлат тест марказининг 2021 йил 26 октябрдаги 01-777-сон буйруғи билан тасдиқланиб, амалда жорий этилди.

Мазкур ҳужжатлар таркибига Давлат тест маркази ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича йўриқнома ҳам киради.

Ушбу ўқув дастури мазкур йўриқнома асосида ишлаб чиқилган бўлиб коррупциявий ҳаракатларнинг олдини олиш ва уларни содир қилишга хизмат қиладиган сабабларни бартараф этиш, ходимларнинг ҳуқуқий онгини ошириш ва уларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Давлат тест марказининг бошқа ички ҳужжатларига қатъий риоя қилиш, коррупцияга қарши мурасасизлик руҳида тарбиялашга қаратилган.

## II. ЎҚУВ ДАСТУРИНИНГ МАҚСАДИ ҲАМДА ВАЗИФАЛАРИ

Давлат тест маркази ходимлари, шу жумладан янги ишга қабул қилинаётган ходимларнинг коррупциявий ҳаракатларнинг олдини олиш ва уларни содир қилишга хизмат қиладиган сабабларни бартараф этиш бўйича ҳуқуқий онгини ошириш ва уларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ташкилотнинг бошқа ички ҳужжатларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялаш **ўқув дастурининг мақсади** ҳисобланади.

**Ўқув дастурининг асосий вазифаси:** коррупциянинг табиати, коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари, коррупцияга қарши курашиш усуллари, коррупциявий хавф-хатарлар, типик коррупциявий ҳаракатлар, коррупциявий ҳаракатлар учун жавобгарлик, коррупциявий жиноятларни олдини олишда фуқаролик жамиятининг роли тўғрисида ходимларга тегишли маълумотлар бериш, уларда коррупцияга қарши муросасиз муносабатни шакллантиришдир.

Ходимларнинг билим, кўникма ва малакасига қуйидаги талаблар қўйилади:

Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш бўйича амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини билиш, коррупциявий хавф-хатарларни аниқлай олиш, унга қарши курашиш усулларини англаш ва қўллаш билиш, коррупциявий ҳаракатлар учун интизомий ва жиноий жавобгарлик турларини тушуниш.

### III. ЎҚУВ РЕЖАСИ

<b>Т/р</b>	<b>Мавзулар номи</b>	<b>Соатлар миқдори</b>
	<b>1-модул</b>	
1.	Коррупциянинг табиати	1
2.	Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари	1
	<b>2-модул</b>	
3.	Коррупциявий хавф-хатарлар ва типик коррупциявий ҳаракатлар	1
4.	Ташкилотда коррупцияга қарши курашиш усуллари	1
	<b>3-модул</b>	
5.	Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида коррупциявий ҳаракатлар учун жавобгарлик. Коррупцияга қарши курашишга – Сиз тайёрмисиз! Сўровнома ўтказиш.	2
	<b>Жами соатлар:</b>	<b>6</b>

## IV. АСОСИЙ ҚИСМ

### 1. Коррупциянинг табиати.

Коррупция тушунчаси, шакллари ва сабаблари. Коррупциянинг ижтимоий-хуқуқий ҳодиса сифатидаги мазмуни. Жамиятда коррупцияга муносабат.

### 2. Коррупцияга қарши курашишнинг хуқуқий асослари.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида комплаенс назорат тизимининг ўрни ва аҳамияти. Ташкилотда коррупцияга қарши курашишга доир ички хужжатлар.

### 3. Коррупциявий хавф-хатарлар ва типик коррупциявий ҳаракатлар.

Ташкилотдаги хавф-хатарлар ва коррупциявий ҳаракатларнинг асосий турлари.

Назорат-руҳсат бериш функциялари ва тартиб-таомиллари доирасидаги коррупциявий хавф-хатарлар.

Совғалар ва ишбилармонлик меҳмондўстлиги белгилари бериш/олишдаги коррупциявий хавф-хатарлар.

Фуқаролар, контрагентлар ва учинчи шахслар билан ўзаро алоқалар билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар.

Ходимларни ташкилотга танлаб олиш ва ишга қабул қилишдаги коррупциявий хавф-хатарлар.

Харидларни амалга ошириш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар.

Ўзаро ҳамкорлик ва тасарруфий ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар.

Турли хужжат турлари экспертизасини ўтказиш, шунингдек улар ижросини назорат қилиш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар. Ташкилот фаолиятидаги бошқа хавф-хатарлар.

### 4. Ташкилотда коррупцияга қарши курашиш усуллари.

Ташкилотдаги коррупцияга қарши курашиш тизими элементлари, шунингдек муҳим чора-тадбирлар шарҳи. Ташкилотдаги манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, аниқлаш ва тартибга солиш.

Ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ходимлар ва таркибий бўлинмаларнинг мажбурият ва ваколатлари.

Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари.

Коррупциявий ҳаракатлар/уларни содир этиш хавфи юзага келган вақтдаги ҳаракатлар. Коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар бериш.

### 5. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида коррупциявий ҳаракатлар учун жавобгарлик.

Коррупциявий ҳаракатлар учун интизомий жавобгарлик. Коррупциявий ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик. Ўзбекистон Республикасининг коррупциявий ҳаракатларга доир ишлари бўйича суд амалиёти шарҳи.

“Коррупцияга қарши курашишга – Сиз тайёرمىсиз?” сўровномасини ўтказиш ва иштирокчилар коррупция тушунчасини билиши, ҳаётда коррупциявий ҳолатларга дуч келганида, уни олдини олишда олган билимларини қўллай билиш даражаси ўрганилади. Сўровнома маълумотлари таҳлил қилинади.

## V. Фойдаланилган манбалар

1. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сон Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши мурасиз муносабатда бўлишмуҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сон Фармони
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сон Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81-сон қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг буйруғи билан тасдиқланган “Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисидаги намунавий низом” (Адлия вазирлигида 2021 йил 8 сентябрда 3319-сон рақам билан рўйхатдан ўтказилган).
8. “ИСО 37001 – Анти-бриберй манагемент сйстемс”//(Электрон манба): [хтпс://www.iso.org/ru/стандарт/62342.хтмл](https://www.iso.org/ru/стандарт/62342.хтмл).
9. “ИСО 19600:2014 §манагемент сйстемс - Гуиделинес” ”//(Электрон манба): [хтпс://www.iso.org/ru/стандарт/62342.хтмл](https://www.iso.org/ru/стандарт/62342.хтмл).



**Коррупцияга қарши курашишга – Сиз тайёрмисиз?**  
(сўровнома аноним ва унга тўғри жавоб беришингиз сўралади - ✓)

**1. Коррупция тушунчаси нима эканлигини биласизми?**

 ҳа йўқ қисман биламан

**2. Ҳаётда коррупцияга дуч келганмисиз?**

 ҳа йўқ бундай ҳолат бўлмаган

**3. Сиз ишингизни битириш учун бошқа бир шахсга (мансабдорга) пора берганмисиз?**

 ҳа йўқ бундай ҳолат бўлмаган

**4. Коррупцияни йўқотиш учун қайси ҳолатни қўллаш зарур деб ҳисоблайсиз?**

 жазо чораларини янада кучайтириш коррупция юқори бўлган соҳаларни рақамлаштириш ёшлиқдан унга қарши курашиш бўйича тушунчалар бериб бориш

**5. ДТМ фаолиятида коррупциявий ҳолатлар бор деб ҳисоблайсизми?**

 ҳа йўқ қисман бор

**6. ДТМ фаолиятида коррупциявий ҳолатлари пайдо бўлишига энг асосий сабаб нима деб ҳисоблайсиз?**

 иш ҳақи паст ходимларнинг вазифасига лоқайдлиги назоратнинг сустлиги

**7. Ўқишда коррупцияга қарши кураш учун зарур билимларни олдингизми?**

 ҳа йўқ қисман